

Elim deb, yurtim deb yonib yashash kerak!

# Turkiston

1925-yildan chiqqan boshlagan

«Kamolot» yoshlar ijtimoiy harakati Markaziy Kengashining nashri

www.turkiston.uz

2014-yil 20-dekabr, shanba № 102 (15844)

«Kamolot» loyihalari

## СТИПЕНДИАТЛАР ВА ФАОЛ ЖУРНАЛИСТЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

Ёшлар ижод саройида «Йилнинг энг фаол ёш журналисти – 2014» республика кўрик-танлови ғолиблари ҳамда «Камолот» стипендияси республика кўрик-танлови совриндорларини тантанали тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

2-саҳифага қаранг



Рустам Назарматов олган сурат

Yoshlarga oid davlat siyosati — amalda



Ёлқин Шамсиддинов (ЎЗА) олган сурат

## ЁШ ИҚТИДОРЛАР КАШФ ЭТИЛДИ

Ўзбек Миллий академик драма театрида Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда «Ўзбек-театр» ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси томонидан ташкил этилган ёш ижодкорларнинг «Дебют – 2014» бешинчи республика кўрик-фестивалининг ёпилиш маросими бўлиб ўтди.

«Ўзбектеатр» ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори В.Умаров, кўрик-фестиваль ҳакамлар ҳайъати раиси Ё.Аҳмедов ва бошқалар Президентимиз Ислоҳ Каримов раҳнамолигида юртимизда иқтидорли ёшларни аниқлаш, уларни моддий ва маънавий рағбатлантириш, салоҳиятини рўйбга чиқаришга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади. Анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган «Дебют» республика кўрик-фестивали ҳам театр санъатига кириб келаётган ёш ижодкорларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг билим ва маҳоратини янада оширишга хизмат қилаётгани билан аҳамиятлидир.

(Давоми 3-саҳифада)

Ehtirom

## Меҳридарё устоз

Дунё бадиий мероси хазинасидаги ҳар бир яхши асар, у қайси тилда яратилишидан қатъи назар, инсониятнинг тафаккур ганжинаси. Улардан қанча кўп одам баҳраманд бўлса, умумбашар маънавияти, маданияти шунчалар юксалиб, эзгулик нурлари таралган сарҳадлар кенгайиб боради. Миллий адабиётлар дўстлиги, унинг энг самарали ҳосиласи бўлган бадиий таржималар мана шу улғу мақсадга хизмат қилади.

Зулфияxonим ижодида жаҳон адабиёти намуналаридан қилинган таржималар ҳам алоҳида ўрин тутди.

(Давоми 7-саҳифада)



Inson va tabiat

## Баҳоси йўқ неъмат

Кўпчилик сувнинг қийматини олтинга тенглаштиради. Аслида олтиннинг баҳосини сув билан ўлчаб арзийди. Чунки олтин дунёдаги энг қимматбахо металл бўлгани билан фақат безак, зеб-зийнат учун ишлатилади, холос. Сув эса табиат инъом этган энг азиз неъмат — ҳаёт манбаидир.

(Давоми 6-саҳифада)

## УЙЛАР МУБОРАК!

Навоийлик ёш оила соҳибларига янги уйлар топширилди



Намунавий лойиҳалар асосида бунёд этилаётган уй-жойлар нафақат қишлоқларимиз қиёфасини ўзгартирди, балки у турмуш фаровонлиги юксалишига ҳам хизмат қилмоқда. Чиройли, замонавий, барча шароитларга эга уйда истиқомат қилиш инсонга ўзгача руҳ, кайфият бериши шубҳасиз! Ана шундай янги хонадонларга кўчиб ўтган қайси юртдошимиз билан суҳбатлашманг, уларнинг юзидан, сўзидан бахтиёрлигини англайсиз.

Навоий вилоятида ҳам ободончилик ва бунёдкорлик ишларига алоҳида эътибор қаратилиб, шинам ва кўркам бинолар қад кўтармоқда. Вилоятда бунёдкорлик ишлари жорий йилда ҳам тизимли амалга оширилиб, обод манзиллар сафи янада кенгайди. Бундай хайрли ишлар вилоятнинг марказдан олис ҳудудлари — Зарафшон шаҳри, Учқудуқ ҳамда Томди туманларида ҳам босқичма-босқич амалга ошириб келинмоқда.

Яқинда вилоят марказидан уч юз километр узоқда жойлашган Учқудуқ туманида Навоий кон-металлургия комбинатининг Шимолий кон бошқармаси томонидан ёш оилалар учун 48 хонадонга мўлжалланган кўп қаватли уй-жойнинг фойдаланишга топширилиши бундай эзгу аъналарнинг узвий давоми бўлди.

(Давоми 2-саҳифада)



«ОБУНА — 2015»

Ўзбекистон ёшларининг бош наشري — «Turkiston» 2015 йилда ҳам сизнинг маслақдошингиз, ҳамроҳингиз бўлади.

ОБУНА ИНДЕКСИ: 203

«TURKISTON»ГА ОБУНА БЎЛИНГ!

# СТИПЕНДИАТЛАР ВА ФАОЛ ЖУРНАЛИСТЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

**(Давоми, бошланиши  
1-саҳифада)**

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Миллий телерадиокомпания, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ҳамкорлигида ташкил этилган «Йилнинг энг фаол ёш журналисти» республика кўрик-танлови ижодкор ёш журналистларни рағбатлантириш ҳамда уларнинг ўз салоҳиятини намойиш этишда кенг имконият майдони бўлди.

Ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларни Ватанамиз, халқимиз, миллий қадриятларимизга ҳурмат ва садоқат руҳида тарбиялаш, миллий менталитетимизга ёт бўлган турли иллатларга қарши курашишда фаоллигини оширишда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг ҳам алоҳида ўрни бор.

«Йилнинг энг фаол ёш жур-

налисти — 2014» республика кўрик-танлови 30 ёшгача бўлган журналистлар ўртасида телевидение, радио, матбуот, фото ва интернет журналистикаси йўналишларида ташкил этилди.

Жорий йилги танловда 400дан ортиқ ёш журналист 2014 йилнинг 1 январидан 1 ноябригача бўлган муддатда оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган 3 мингга яқин ижодий ишлари билан иштирок этди. Тақдим этилган материаллар соғлом турмуш тарзини шакллантириш, ёш авлоднинг ижтимоий фаоллигини ошириш, уларнинг демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнида фаол иштирокини таъминлаш, истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш ва уларнинг ижодий фаоллигини ошириш каби мавзуларни қамраб олган.

Ҳакамлар ҳайъати ижодий ишларда соғлом бола йили мазмун-моҳияти, мамлакатимизда амалга оширилаётган



Рустам Назарматов олган суратлар

**Садоқат Дадаева,**  
«Йилнинг энг фаол ёш журналисти — 2014» республика кўрик-танловининг телевидение йўналиши бўйича 1-ўрин соҳиби:

— Узоқ-яқин ўлкаларда турли кўнгилсиз воқеа-ҳодисалар юз бериб, таҳликали вазият ҳукм сураётган бир пайтда юртимиздаги тинч, осуда ҳаёт учун ҳар қанча шукр қилсак, арзийди. Дунёни ахборот бошқараётган бир замонда, биз ҳамиша ҳушёр бўлмоғимиз, исталган пайтда уюштирилиши мумкин бўлган ахборот ҳужумларига тайёр турмоғимиз шартдир. Бунинг учун биз, ёшлар маърифатни, маънавиятни қурол қилмоғимиз лозим.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган «Йилнинг энг фаол ёш журналисти» танловининг мазмун-моҳияти ҳам ёш журналистларни огоҳликка чорлаш, дунёқарашини кенгайтириш, атрофда юз бераётган ҳар қандай ҳодисага юртимиз ва халқимиз манфаатларидан келиб чиққан ҳолда муносабат билдира олиш салоҳиятини ривожлантиришга қаратилган. Мана шундай эзгу мақсадларга хизмат қилаётган танловда менинг ҳам интилим муносиб баҳоланганидан хурсандман.



ёшларга оид давлат сиёсатининг самаралари акс эттирилгани, мавзунинг долзарблиги, муаллиф услуби, ёритиш маҳоратига алоҳида

эътибор қаратди.

«Камолот» стипендияси талабаларга таҳсил олаётган олий таълим муассасасидаги ёки «Камолот» ёшлар ижти-

моий ҳаракати ҳудудий кенгашлари фаолиятини самарали ташкил этишдаги фаоллиги, ташаббускорлиги, шунингдек, ижтимоий-сиёсий, маънавий ва ҳуқуқий саводхонлигига қараб бериладиган рағбатлантирувчи мукофот бўлиб, ғолибларни аниқлаш уч босқичда ташкил этилади.

2002 йилдан бери ўтказиб келинаётган ушбу танловда шу пайтга қадар 500 нафардан зиёд иқтидорли йигит-қиз ғолибликни қўлга киритган. Жорий йилда республика миқёсидаги 60та олий таълим муассасасидан 384 нафар талаба иштирок этиш учун мурожаат қилди, улардан 55 нафари «Камолот» стипендияси совриндори деб топилди.

Тадбир сўнггида шижоатли, юрагида Ватанга бўлган муҳаббати жўш ураётган ғолиб ва совриндорлар диплом ва совғалар билан тақдирланиб, маросим санъаткорлар иштирокидаги концерт дастури билан якунланди.

**Парвина ОМОНОВА,**  
«Turkiston» муҳбири

**Дилшода Ҳамдамова,**  
«Йилнинг энг фаол ёш журналисти — 2014» республика кўрик-танловининг радио йўналиши бўйича 1-ўрин соҳиби:

— Университетдаги устозларимиз журналист ҳамиша элу юрт манфаатини ҳимоя қилиши, бунинг учун чуқур билимли, иқтидорли, ватанпарвар инсон бўлиши керак, дейишарди. Журналистикада ўз ўрнини топишга интилаётган ёш бир ижодкор сифатида ҳамиша бу ўғитга амал қилишга ҳаракат қиламан.

Интилишларим Ҳаракат томонидан юксак баҳолангани менга нафақат чексиз қувонч, шу билан бирга зиммамга катта масъулият ҳам юклади.



## «Kamolot» ko'zguisi

Сирдарё вилоятида «Сен билан бирга «Камолот» сари» акцияси давом этмоқда. Яқинда лойиҳа Сирдарё туманидаги 15-умумтаълим мактабида ҳам амалга оширилди. Унда турли соҳаларда кўплаб ютуқларни қўлга киритган иқтидорли ёшлар қатнашди.



## Камолотга интиламиз

Оғир атлетика бўйича икки карра Ўзбекистон чемпиони Дониёр Ҳайдаров, «Юрт келажиги — 2014» кўрик-танлови ғолиби Аброр Қўшназаров, ёш ҳунарманд Мансур Ражабов ўқувчилар билан учрашди.

— Мактабимизга бундай меҳмонлар ташрифидан хурсанд бўлдик, — дейди ўқувчи Баҳром Тиркашев. — Уларнинг ютуқлари, улкан мақсадларига ҳавасим келди. Келгусида мен ҳам ўз иқтидоримни намойиш этишга ҳаракат қиламан.

Мактаб ўқувчилари меҳмонларни ўзлари тайёрлаган бадиий чиқишлари билан ҳушнуд этди. Акция сўнггида энг яхши савол муаллифларига «Камолот» ЁИҲ Сирдарё вилояти кенгашининг фахрий ёрлиқлари ва эсдалик совғалари топширилди.

**Мафтуна ЭРГАШЕВА**

## Уйлар муборак!

**(Давоми, бошланиши  
1-саҳифада)**

Мазкур кўп қаватли уйнинг фойдаланишга топширилишига бағишланган тантанали маросимда сўзга чиққанлар бу давлатимиз раҳбарининг ёш оилаларга қаратаётган юксак эътиборнинг бир намунаси эканини таъкидлади.

Замонавий, шинам, сифатли ва барча қулайликларга эга бўлган ушбу уйни бунёд этишда Зарафшон қурилиш бошқармасига қарашли Шимолий қурилиш бошқармаси қурувчиларининг меҳнатлари беқиёс. Бу йил Наврўз умумхалқ байрами арафасида Шимолий кон бошқармаси томонидан 40 хонадонга мўлжалланган ана шундай тураржой биносининг калитлари ўз эгаларига топ-

ширилган эди. Мазкур уй-жойлар эса ёш оилалар учун янги йилга муносиб байрам тухфаси бўлди. Зеро, ҳеч қайси мамлакатда ёшларга, айниқса, ёш оилаларга бундай ғамхўрлик кўрсатилмаган.

Янги уйга эга бўлганлар орасида Учқудук шаҳридаги 2-тиббий санитария қисми терапевт шифокори Шаҳноза Бўронова ҳам бор. Унинг оиласи ҳам бу эътибордан бахтиёр.

— Бугун ўз оиламга, севган касбимга, ўз уйимга эгаман, — дейди янги уй соҳибаси Шаҳноза Бўронова. — Ёш оила бекаси учун бундан ортиқ бахт бўлмаса керак. Замонавий лойиҳа асосида қурилган янги уйимизнинг хоналари, айниқса, ошхонада яратилган шароитлар орзуимдагидек. Янги уйнинг калитини қўлга олар эканмиз, биз каби ёш оила соҳибларини қўллаб-қувватлаётган давлатимиздан миннатдормиз.

Бугун янги уй эгаларининг юз-кўзларида қувонч, тилларида шукроналик. Улар бундай эътиборга эл-юртга қиладиган хизматлари билан амалий жавоб беришлари шубҳасиз.

**Отабек АСЛОНОВ,**  
«Turkiston» муҳбири



## Saylov — 2014

2014 йилги сайловларни ёритиш бўйича Республика матбуот марказида Марказий сайлов комиссияси томонидан Ташқи ишлар вазирлиги билан ҳамкорликда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари сайловига тайёргарликнинг боришига бағишланган брифинг бўлиб ўтди.



## ОКРУГ ВА УЧАСТКАЛАР САЙЛОВГА ШАЙ

Тадбирда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ҳамда Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюросининг сайловларни кузатиш бўйича миссияларининг вакиллари, хорижий кузатувчилар, Ўзбекистонда аккредитациядан ўтган дипломатик миссиялар ва халқаро ташкилотларнинг вакиллари, чет эл ва мамлакатимиз журналистлари иштирок этди. Дастлаб Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломов бу йилги сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича қилинган ишлар ҳақида маълумот берди.

Жорий йилнинг 12 майида комиссия томонидан бу борадаги муҳим талаблар ва мақсадли вазифалар, белгиланган жадвал асосида ўтказиладиган тадбирлар дастури тасдиқланган эди. Бу эса сайлов жараёнини юксак даражада ташкил этиш учун шароит яратди. Ҳозирги кунга қадар Марказий сайлов комиссияси томонидан давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда сайловга ҳозирлик кўриш ва уни ўтказиш, сайловчиларни депутатликка номзодларнинг сайловолди

дастурлари, сайлов қонунчилиги билан таништириш мақсадида кўплаб самарали тадбирлар ўтказилди.

Аввал хабар қилинганидек, 15 сентябрь куни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий кенгашларга сайлов кампанияси иш бошланди. Парламент куйи палатасига сайлов бўйича ўртача ҳар бирига 154 минг сайловчини ҳисобга олган ҳолда 135та сайлов округи тузилди. Юртимизнинг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари ҳузурда 44та, жами 9035та сайлов участкаси ташкил этилди. Округ ва участка сайлов комиссияларидаги сайловчилар сони ҳамда уларнинг шахсий таркиби тўғрисидаги барча маълумотлар матбуот нашрларида эълон қилинди. Сайлов комиссиялари аъзолари учун кўплаб семинарлар ташкил этилди ва ҳозирги кунда барча сайлов участкалари овоз бериш учун шай ҳолга келтирилди. Участка сайлов комиссиялари томонидан 20 миллион 895 минг 572 нафар фуқаро рўйхатдан ўтказилди.

Сайлов қонунчилигимизга кўра, ўз яшаш жойларида бўлиш имконига эга бўлмаган сайловчиларнинг муддатидан олдин овоз бериш 11 декабрда бошланиб,

19 декабрь куни ниҳоясига етди. «Фуқароларнинг сайлов ҳуқуқлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига кўра, саломатлигининг ҳолати ёки бошқа сабаблар туфайли овоз бериш биносига кела олмайдиган сайловчилар участка сайлов комиссиясига тегишли илтимос билан мурожаат этиш ҳуқуқига эга. Ушбу илтимосга мувофиқ овоз бериш улар турган жойда амалга оширилади.

Брифингда сайловларнинг очиқлиги ва ошқоралиги кузатувчилар институти орқали таъминланаётгани алоҳида таъкидланди. Бугунги кунда юртимизда ЕХХТ Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси ҳамда МДХ кузатувчилар миссиялари ўз фаолиятини амалга оширомоқда. Бундан ташқари, Марказий сайлов комиссияси томонидан Осиё, Европа, Африка, Американинг 40 давлатидан 300 нафарга яқин ҳамда округ сайлов комиссиялари томонидан сиёсий партияларнинг 70 мингдан ортиқ кузатувчилари ва ваколатли вакиллари рўйхатга олинган ҳамда тегишли мандатлар берилган.

**Жавлон ВАФОЕВ,**  
**«Turkiston» мухбири**

*Сайлов жараёнида иштирок этадиган сиёсий партияларнинг ҳар бири давлат ҳокимиятини бошқаришда жамият аъзоларининг тўла ишончига эга бўлиш учун кураш олиб боради, сайловчилар эса ўзларининг конституцион ҳуқуқларидан фойдаланиб, фуқаролик бурчини бажаради.*

## ДЕМОКРАТИЯНИНГ МУҲИМ ТАМОЙИЛИ

Дунё мамлакатларида жамиятнинг тараққиётига таъсир этувчи, мамлакатнинг ҳақиқий қиёфасини кўрсатувчи ҳолатлар орасида сайловнинг роли алоҳидалиги эътироф этилади. Сиёсий партияларнинг сайловолди дастури ҳамда тарғиботи учун ОАВдан фойдаланиши сайловчилар сиёсий фаолигининг ошишини таъминлайди.

Фуқароларнинг сайлов ҳуқуқидан фойдаланиши уларнинг сиёсий ва ҳуқуқий маданияти даражасига боғлиқдир. Сайлов ҳуқуқи ҳар бир фуқа-

ро учундир. Мазкур ҳуқуқ демократиянинг муҳим тамойили бўлган халқ суверенитетига, фуқароларнинг ҳуқуқий жиҳатдан тенглигига асосланади. Ундан тўлиқ фойдаланиш имкониятларини яратиш сайлов қонунчилигининг асосий мақсадидир.

**Анвар СОДИҚОВ,**  
**фалсафа фанлари номзоди,**  
**доцент,**  
**Тожи НОРОВ,**  
**ТДИУ катта ўқитувчиси**

## ЁШ ИҚТИДОРЛАР КАШФ ЭТИЛДИ

**(Давоми,**  
**бошланиши 1-саҳифада)**

Бир ҳафта давом этган кўрик-фестивалда 33 ёш ижодкорнинг режиссура, драматургия, сахна рассомчилиги ва актёрлик маҳоратига баҳо берилди. Спектакллар мазмун-моҳияти, уларни сахналаштириш ва ёш актёрларнинг ижро маҳорати таниқли ижодкорлар, театршунос олимлар ва санъат илҳомчилари иштирокида кенг муҳокама қилинди.

— Байрамона шуқуҳда ўтган мазкур тадбир театр санъатининг ҳаётимиздаги ўрни, маънавиятимизни юксалтиришдаги аҳамияти нечоғлик катта эканини яна бир бор тасдиқлади, — дейди Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти катта ўқитувчиси Фахриддин Абдувоҳидов. — Намойиш этилган спектаклларда ижодкорлар бугуннинг долзарб мавзуларини кўтаришга, замонамиз қаҳрамони қиёфасини кўрсатишга ҳаракат қилишди. Хусусан, Ўзбек Миллий академик драма театрининг «Тонг отган тарафларда» спектаклида ватанпарварлик, Сирдарё вилоят мусиқали драма театрининг «Жонгинам, шартингни айт», Хоразм вилоят мусиқали драма театрининг «Палахмон тоши» спектаклида жамият таянчи бўлган оила тинчлиги масаласига эътибор қаратилган бўлса, Жиззах вилоят мусиқали драма театрининг «Фалакнинг гардиши»

спектаклида инсоннинг табиат ва атроф-муҳитга муносабати масалалари ўртага ташланди.

Ҳакамлар ҳайъати томонидан ёш драматург Эркин Норсафар, сахналаштирувчи режиссёр Фарҳод Ашуров, Республика кўғирчоқ театри сахна рассоми Зиёда Зокирова, Ўзбекистон ёшлар театри актёри Сабина Асановаларнинг драматургия, режиссура, сахна рассомлиги ва актёрлик борасидаги маҳоратлари биринчи ўринга лойиқ топилди.

— Голиб сифатида эътироф этилганидан мамнунман, — дейди Республика кўғирчоқ театри сахна рассоми Зиёда Зокирова. — Ушбу кўрик-фестиваль устоз санъаткорлар, моҳир сахна рассомларининг маслаҳат ва ўғитларидан баҳраманд бўлиш, тажриба тўплаш, тенгдошларим ижоди билан атрофлича танишиш имконини берди. Юртимизда ҳеч кимдан кам бўлмаган ва кам бўлмайдиган авлоднинг вояга етказиш йўлида амалга оширилаётган бундай эзгу ишлар кўксимизни фахр-ифтихорга тўлдиради, бизни янада фаол бўлишга, барча соҳаларда эришилаётган ютуқларга ўз ҳиссамизни қўшишга руҳлантиради.

«Дебют — 2014» кўрик-фестивали голиблари диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

**Дилшод КАРИМОВ,**  
**ЎЗА мухбири**

## ТАЛАБАЛАРНИНГ ИЖОДИЙ НИГОҲИ



Қарши давлат университетиде «Ватан келажаги сенинг қўлингда» мавзuida расмлар танлови ўтказилди. Унда талаба-ёшлар ўзларининг ижодий ишлари билан қатнашди.

Кўргазмада уларнинг рангасвир, графика ва амалий санъат, фото асарлари намойиш этилди. Юртимизда ёшларга яратилиб берилаётган имкониятлар, мустақиллик шарофати билан эришилган ютуқлар, халқимизнинг фаровон турмушини акс эттирган экспозиция томошабинларда катта қизиқиш уйғотди.

Тадбирда Президентимиз раҳнамолигида олиб борилаётган кенг кўламли бунёдкорлик ишлари, таълим соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар, ёшларга оид давлат сиёсатининг мазмун-моҳияти, дунё цивилизациясига беқиёс ҳисса қўшган буюк алломаларимизнинг бебаҳо илмий-ижодий ме-

роси ва ибратли ҳаёти хусусида сўз юритилди.

Танлов якунига кўра, Ирода Равшанова 1-ўрин, Сарвиноз Нуриева 2-ўрин, Садоқат Тўраева 3-ўринга сазовор бўлди. Голиблар «Камолот» ЁИХнинг университети бошланғич ташкилоти томонидан фахрий ёрлик ва эсдалик совғалар билан тақдирланди.

**Раъно САЙДУЛЛАЕВА,**  
**Қарши давлат университети ўқитувчиси**

Санъат фестивали. Санъатсевар ёшларга гўё бир байрам. Томошабинлар олқиши, бир-бирларининг санъатидан баҳраманд бўлиш уларга ўзгача завқ бағишлайди. Катта сахнада куйлаш, рақс тушиш эса улар учун шу қадар сеvimлики...

### «САНЪАТ МАКТАБИ» ИСТЕЪДОДЛАРНИ КАШФ ЭТДИ

Пойтахтимиздаги Ёшлар ижод саройида «Соғлом бола йили» Давлат дастурига асосан Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ҳамкорлигида «Санъат мактаби» республика телевизион фестивали бўлиб ўтди. Мазкур фестивалъ ёш профессор-онал ижрочилар ҳамда таҳсил олиш билан бирга астрада, анъанавий ва академик хонандалик, мусиқа ижрочилиги, рақс санъати йўналишларида фаолият юритаётган иқтидорли йигит-қизлар ўртасида ўтказилди.

Ёшларнинг мусиқий, бадий ва бошқа ижодий салоҳиятини ривожлантириш, ёш, умидли хонанда, созанда, раққоса ва ижрочилар фаолиятини кенг жамоатчиликка тарғиб қилиш мақсадига ташкил этилган телефестивалда иштирокчиларининг ижро маҳорати, сахна маданияти, репертуари савияси, кийинчи маданияти нуфузли ҳақамлар ҳайъати томонидан баҳоланди.


Ўзбекистон давлат консерваторияси ҳузуридаги иқтидорли болалар академик лицейи ўқувчилари Гиргин Фериде «Энг яхши эстрада кўшиғи», Аббор Рихситиллаев «Энг яхши академик хонандалик ижрочилиги», Р.Г.Лиэр номидаги республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейининг анъанавий хонандалик йўналиши ўқувчилари «Энг яхши анъанавий кўшиқ», ўзбек халқ чолғулари йўналиши ўқувчилари эса «Энг яхши мусиқа», «Буббулча» болалар ашула ва рақс ансамбли иштирокчилари «Энг яхши рақс» номинацияларида ғолиб бўлди.

Майсара НАЗАРОВА, «Turkiston» мухбири

### ЭЗГУ ИШДА ЕЛКАДОШ

Тошкент архитектура ва қурилиш институтидаги «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилоти ташаббуси билан Шайхонтохур туманидаги «Шайх Зайниддин бува» қабристонидида «Хашар — ёшларга ярашар» шiori остида хайрият хашари ташкил этилди. Ушбу эзгу ишда бошланғич ташкилот қошидаги «Жасорат» гуруҳи аъзолари фаоллик курсатди. Қабристоннинг барча жойларида ободонлаштириш ишлари олиб борилди, ариқлар ва йўлақлар, қаровсиз қолган қабр атрофлари хазонлар ҳамда бошқа чикиндилардан тозаланди.

Жавлон ВАФОЕВ, «Turkiston» мухбири



# ЮРТИМИЗ ОЛИМЛАРИ БУТУНЖАҲОН ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ ЭЪТИРОФИДА

**Жорий йилда Ўзбекистондан тўрт нафар ёш олим Бутунжаҳон фанлар академияси (TWAS) мукофотини қўлга киритди. Ҳамюртаримиз халқаро танловнинг биология, физика, кимё ва астрономия йўналишлари бўйича ғолиб деб топилган. Биз улар билан учрашиб, илмий фаолиятлари ҳақида қизиқарли маълумотларга эга бўлдик.**

Ўзбекистон Фанлар академияси Ядро физикаси ҳамда Астрономия институти катта илмий ходими Аҳмадҷон Абдуҷабборов 29 ёшда. 2009 йилда радиоастрономияга доир илмий ишнини ёқлаб, республикадаги энг ёш физика-математика фанлари номзоди бўлди.



Ўзбекистон Миллий университетининг собиқ битирувчиси ҳамда Президент стипендияси соҳиби ҳозир умумий нисбийлик назарияси, электродинамика, релятивистик ва компакт объектлар астрофизикаси бўйича изланишлар олиб бормоқда. Тадқиқотлари космик жисмларни ўрганиш билан боғлиқ.

— Юлдузлар худди инсонлардек тугилади, яшайди ва вафот этади, — деб тушунтиради Аҳмадҷон Абдуҷабборов. — Улар ўзларидаги ёруғлик манбаини ёқиб тугатган, «вафот этади». Ҳаётининг сўнгига юлдузлар улкан ҳажмдан кичик ҳажмгача сиқилиб, ўта зич моддалар иборат компакт объектлар, масалан, нейтрон юлдуз ёки қора ўраларга айланади. Бу объектларни телескоп орқали кузатиш мушкул. Шунинг учун улар билвосита усуллар ёрдамида аниқланади. Шундай усуллардан бири «ўлик юлдузлар» атрофидаги бошқа ёрқинроқ коинот жисмларининг ҳаракати ёки электромагнит майдонларини ўлчаш усули д и р .



Т а д қ и - к о т а м доир а с и д а қора ўра ёки нейтрон юлдузларнинг улар атрофидаги зарралар ҳаракати таъсирини ўрганиш билан бирга объектлар ҳақида турли маълумотларни аниқлаш имконини беради.

Аҳмадҷон ҳали ўзи ёш бўлишига қарамай, атрофида кўплаб ёшлардан иборат кучли жамоани шакллантира олган. Шу пайтга қадар у космик объектларда кузатиш учун астрофизик жараёнларни назарий жиҳатдан ўрганишга бағишланган иккита фундаментал тадқиқотлар давлат грантига раҳбарлик қилди ҳамда шогирдлари билан бирга лойиҳаларни муваффақиятли якунлади.

Аҳмадҷон Абдуҷабборов 2010 йилда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан таъсис этилган «Ёш олимлар стипендияси»,

2011 йилда Италиядаги Назарий физика халқаро марказининг энг яхши илмий маъруза, 2013 йилда Фанлар академиясининг энг яхши илмий мақола учун ўтказилган танловларида ғолиб бўлган.

Ёш олим илмий фаолияти юзасидан бир неча маротаба Ҳиндистондаги Университетларро астрономия ва астрофизика маркази ҳамда ТАТА фундаментал тадқиқотлар институти, шунингдек, Италиянинг Триест шаҳридаги Назарий физика халқаро маркази, Эрриче шаҳридаги илмий марказ, Германиядаги Бремен ва Гете университетлари, Макс-Планк институти, Чехиядаги Силезия университетида хорижий ҳамкасблари билан таҳриба алмашди.

Айни кунларда Аҳмадҷон Чехияда хизмат сафарига бўлгани боис, у билан онлайн тарзда мулоқот қилдик.

— TWAS танловига ғолиб бўлишимда тадқиқотларимнинг долзарблиги ҳамда хорижда эълон қилинган мақоаларимнинг кўплиги муҳим роль ўйнади. Ҳозир уларнинг сони ўттиздан ортиқ, — дейди суҳбатдошимиз. — Халқаро мукофотга ҳақиқатининг илмий изланишлари сурункали касалликлар генетикаси ҳамда Марказий Осиё халқлари антропогенетикуни ўрганишга қаратилган. Дастлабки замонавий тиббиётда мутлақо янги йўналиш — индивидуал медицинага тааллуқли бўлиб, касалликка ташкил қилиш ва даволаш усуллари индивидуал ҳолда, яъни беморнинг иммуногенетик хусусиятларига қараб танлаш имко-

ни беради. Ҳозирги кунда бундай амалиёт лаборатория имуно-биогенетик диагностика ва фармакогенетика кўринишида олиб борилади. Татьяна Ҳегай бир нечта оми-

Айни вақтда олим ўсимликлардан табиий ва синтез қилиш йўли билан ажратиб олинган органик моддаларнинг тузилишини молекуляр даражада аниқлаш бўйича изланишлар олиб бормоқда.

Хайрулла Бобоқуловнинг ишланмалари халқаро илмий ҳамжамиятда юқори эътироф этилмоқда. 2012 йилда ёш тадқиқотчи халқаро DAAD жағмармаси гранти орқали илмий лойиҳаси бўйича Германияда бўлиб қайтди. Бундан ташқари, Италия, Ҳиндистон, Хитойда малака оширди. Утган йили эса илмий иши «Илмий ҳамкорлик» халқаро хайрия фонди эълон қилган танловда ғолиб деб топилди.

— TWAS мукофотида сазовор бўлиш катта ютуқ, — дейди Хайрулла Бобоқулов. — У осонликча берилгани йўқ, албатта. Боиси танловда дунё мамлакатларидан энг кучли олимлар қатнашди. Ўзбекистон Фанлар академияси томонидан ҳам муносиб номзодлар тавсия этилганди. Юртимизда илм-фан равнақ топишида ана шундай иқтидорли ва ғайратли ёш кадрлар муносиб ҳисса қўшмоқда. Бугунги кунда биз амалга ошираётган истиқболли лойиҳалар замонавий фан ва турмушдаги долзарб илмий-техник муаммоларни ҳал этиш билан бир қаторда, республиканинг иқтисодий салоҳиятини юксалтиришга ҳам хизмат қилади. Қувонарлиси, тадқиқотларимиз натижалари халқаро миқёсда тан олинмоқда. Шахсан ўзимнинг юзга яқин мақола ҳамда тезисларим хорижий ва маҳаллий илмий нашрларда чоп этилган. Бу ҳам юртимизда ёшларга яратилган кенг имкониятлар самарасидир.



Ўзбекистон Фанлар академияси Иммунология институтининг инсон геномикаси лабораторияси мудири Татьяна Ҳегай биология йўналишида TWAS мукофотини қўлга киритган.

Татьяна Андихон давлат тиббиёт институтини тамомлаган. Жорий йилда мамлакатимизда биринчи бўлиб ҳам иммунология, ҳам тиббий генетика соҳаларига доир докторлик диссертациясини ҳимоя қилди.

Тадқиқотчининг илмий изланишлари сурункали касалликлар генетикаси ҳамда Марказий Осиё халқлари антропогенетикуни ўрганишга қаратилган. Дастлабки замонавий тиббиётда мутлақо янги йўналиш — индивидуал медицинага тааллуқли бўлиб, касалликка ташкил қилиш ва даволаш усуллари индивидуал ҳолда, яъни беморнинг иммуногенетик хусусиятларига қараб танлаш имко-

TWAS мукофоти илм-фан соҳасида жаҳондаги энг нуфузли мукофотлар қаторига киради. Танловда ҳар йили ўнлаб мамлакатларнинг етакчи олимлари илмий лойиҳалари билан иштирок этади.

ни беради. Ҳозирги кунда бундай амалиёт лаборатория имуно-биогенетик диагностика ва фармакогенетика кўринишида олиб борилади. Татьяна Ҳегай бир нечта оми-

грантни қўлга киритишга муяссар бўлди. Инсон геномикаси лабораториясида Марказий Осиё халқлари бугунги авлодларининг ДНКсига қараб минтақа тарихи

Кимё бўйича халқаро TWAS мукофоти соҳиби Хайрулла Бобоқулов Ўзбекистон Фанлар академияси Ўсимлик моддалари кимёси институтида фаолият кўрсатмоқда. Илмий тадқиқоти давомида у тиббиёт ҳамда халқ ҳўжалигининг қатор соҳаларида татбиқ этиладиган биологик фаол бирикмаларнинг асосий компонентларини аниқлаш учун янги — миқдорий таҳлил методикасини ишлаб чиқди. Мазкур ишланма қишлоқ ҳўжалигида фойдаланилувчи препаратларни сертифицирлашда қўл келади.



Бутунжаҳон фанлар академияси 1983 йилда Италияда ташкил этилган. Ҳозирда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти шафёлигида фаолият кўрсатмоқда. Академияга барча китъалардан минг нафардан зиёд олим ва иختирочилар аъзо. Улар ичида уч нафар ўзбекистонлик вакил ҳам бор.

ва этногенези (бу ерда қадимги этнослар қай тарзда шаклланиганини аниқлаш ишлари ҳам олиб бориламоқда. Долзарб тадқиқотга Ўзбекистон, Франция, Тожикистон, Қирғизистон ва қозғистонлик бир гуруҳ генетик, этнограф, тарихчи, тилшунос олимлар жалб этилган.

— Илмий фаолиятимиз хорижда юксак эътироф этилмоқда. Халқаро TWAS мукофоти бунинг ёрқин ифодасидир, — дейди Фахр билан Татьяна Ҳегай. — Уни бир



мен эмас, балки бутун мамлакатимиз илмий салоҳиятига берилган муносиб баҳо деб биламан. Биомедицина инсоният олдидида улкан имкониятлар эшигини очмоқда. 2020 йилга келиб у дунёда энг истиқболли ва юқори талаб этилувчи фан тармоқларидан бирига айланиши башорат қилинган. Биомедицина тиббий генетика ва иммунология билан чамбарчас боғлиқ соҳадир. Ўзбекистон эса айнан табиий фанлардан фундаментал илмий тадқиқотлар олиб бориш бўйича катта тажрибага эга. Юртимизда илмий кадрлар тайёрлаш тизимининг тубдан ислоҳ қилингани ҳамда илм-фан соҳасига ёшларнинг кенг жалб қилинаётгани келгусида дунё ҳамжамиятидаги нуфузимизни янада оширишга хизмат қилади. Бунга мен ҳам ўз ҳиссамни қўшишни хоҳлайман.



кузатувлар олиб бормоқда.

— Астроиклим соҳаси астрономик кузатишлар ўтказиш учун обсерватория юқорисидаги атмосфера шароити қанчалик қўлайлигини ва унда юзга келадиган салбий таъсирларни олдидан аниқлаш билан шуғулланади, — дейди Юсуфжон Тиллаев. — Осмон ёриткичларидан тарқалаётган ёруғлик ер атмосферасини кесиб ўтиб телескопга тушади. Бу пайтда нурлар ютилади, сочилади, синиши ёки оғиши мумкин. Шу боис астрономик кузатувлар учун атмосферасининг салбий таъсири минимал бўлган жойни танлаш керак. Агар обсерватория ва телескоп ишга тушган бўлса, астроиклимга доир билимлар қандай объектларни ва қайси пайтда кузатиш қўлайлигини аниқлашда ёрдам беради. Бунинг учун обсерватория астроиклимни тадқиқ этиш, унинг муайян параметрларини ўлчаш лозим. Мен Майданак обсерваториясини танладим. Ундаги астроиклим шароитини жаҳон обсерваториялари билан солиштирган ҳолда ўрганилган.

Бундан ташқари, ёш олим юртимиз олий таълим муассасалари ўқув-илмий обсерваториялари тармоғини барпо этиш бўйича ҳам иш олиб борапти. Лойиҳа натижаси ўлароқ, ҳозирда Самарқанд, Андихон, Қарши давлат университетлари, Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент давлат педагогика университети ҳамда Нукус давлат педагогика институти қошида ўқув обсерваториялари ташкил этилиб, уларга телескоплар ўрнатиш ишлари якунига етказилмоқда.



Ўзбекистон Фанлар академиясининг Астрономия институти катта илмий ходими Юсуфжон Тиллаев астроиклим соҳасидаги долзарб тадқиқотлари учун халқаро TWAS мукофотида сазовор бўлди. Унинг илмий иши «Майданак обсерваторияси тунги астроиклимнинг асосий параметрларини ва уларнинг вариацияларини ўрганиш» мавзусига бағишланган. Юртимиздаги ноёб илмий объектлардан бири саналган Майданак обсерваторияси атмосфера шароитлари жиҳатидан жаҳондаги етакчи обсерваториялар қаторига киради. Улкамизда кунлар асосан қуёшли, тунлар юлдузларга бой. Бу коинот жисмларини кузатиш учун анча қўлайдир. Шу боис Майданакда ўзбек астрономлари билан ҳамкорликда Россия, Германия, АҚШ, Япония, Жанубий Корея, Тайвань, Хитой ва бошқа кўплаб мамлакатлар олимлари



Наргиза УМАРОВА, «Turkiston» мухбири

Урганч халқаро аэропортида йўловчиларга юксак даражада хизмат кўрсатадиган янги терминал иш бошлади.

### ХИЗМАТ КўРСАТИШ СИФАТИ ВА КўЛАМИ ЮКСАЛДИ

Янги терминалнинг очилиш маросимида Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган ислохотлар самарасида вилоятда замонавий туризм соҳаси ривожланиб, ижтимоий инфратузилма объектларини қуриш, реконструкция қилиш, сайёҳларга хизмат кўрсатиш тури ва сифатини янада яхшилаш борасида кенг кўламли лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилаётгани алоҳида таъкидланди.

Воҳаниннг сайёҳлик салоҳиятини, авиайўловчиларга сервис хизмати кўрсатиш сифатини юксалтириш ҳамда ҳаво масканлари ер усти инфратузилмасини такомиллаштириш мақсадида барпо этилган янги терминал соатига 300 дан ортиқ йўловчига намунали хизмат кўрсатиш имкониятига эга.

— Давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 20 мартда қабул қилинган «2013—2015 йилларда Хоразм вилоятида туризм соҳасини ривожлантириш дастури тўғрисида»ги қарори асосида Урганч шаҳрида кенг кўламли ободонлаштириш ишлари амалга оширилаётган, — дейди меҳнат фахрийси Рустам Султонов. — Урганч халқаро аэропортидаги бунёдкорлик ишлари ва йўловчиларга яратилган қўлайликларни кўриб биз, кескалар шу кунларга етказганига шукр қиламиз. Мамлакатимиздаги барча эзгу ишларнинг раҳнамоси бўлган Юртимиздан миннатдоримиз.

Янги бино «Узшаҳарсозлик ЛИТИ» давлат унитар корхонаси томонидан лойиҳалаштирилиб, «93-максустрест» очик акциядорлик жамяти муҳандис ва қурувчилари томонидан жаҳон стандартлари асосида реконструкция қилинди.

— Бино дизайнини ишлаб чиқишда Ўзбекистоннинг замонавий архитектура тенденцияси ҳамда миллий мейморлик санъати анъаналари ҳисобга олинди, — дейди «93-максустрест» очик акциядорлик жамяти бош директори Р.Нормуродов. — Жаҳон талабларига тўла жавоб берадиган янги терминалда пул айирбошлаш шохобчаси, она-бола хонаси, тиббиёт пункти, Duty-free дўкони, кафе-терийлар фаолияти йўлга қўйилди. Кенг, чиройли услубда қурилган транзит ҳамда VIP, СІР залларида замонавий ўриндиқлар, шинам жиҳозлар ва бошқа зарур воситалар ўрнатилди.

Сайёҳлар учун махсус қўлай хизмат турлари, жумладан, ахборот хонаси ташкил этилган. Шаҳарга ташриф буюрувчилар шу ернинг ўзида шаҳардаги транспорт ва коммуникация имкониятлари, меҳмонхоналар, умумий овқатланish жойлари ҳақидаги зарур маълумотларни олишлари мумкин. Бинода авиация хавфсизлигини юқори даражада таъминловчи замонавий текширув ва кузатув ускуналари ўрнатилган.

Аэропорт биносига кираверишда барпо этилган гулзорлар, дараклар билан бурканган яшиллик ташриф буюрувчиларга ўзгача завқ бағишлаши, шубҳасиз.

Кейинги йилларда воҳада сайёҳлар учун зарур қўлайликлар яратиш, туризм салоҳиятини юксалтиришга қаратилган изчил чора-тадбирлар самарасида бу ерга ташриф буюраётган хорижий меҳмонлар сони ортмоқда.

Тадбирда Хоразм вилояти ҳокими П.Бобохонов сўзга чиқди.

А.ШОКИРОВ, ЎЗА мухбири

# БАҲОСИ ЙЎҚ НЕЪМАТ

(Давоми, бошланиши  
1-саҳифада)

Айни кунларда ер юзидаги кўплаб мамлакатлар аҳолиси ичимлик суви тақчиллиги туфайли азият чекаётганидан барчамиз хабардоримиз. Шукр қилишимиз керакки, бизнинг юртимизда бундай муаммо йўқ. Республикамининг барча шаҳар ва қишлоқлари ичимлик суви билан таъминланган. Хонадонларимиздаги сув қувурларидан зилол сувлар узлуксиз оқиб туради. Хоҳлаганимизча кундалик эҳтиёжимиз учун ишлатишимиз мумкин. Албатта, бу аҳолини ичимлик суви билан таъминлашга масъул бўлган корхоналарнинг меҳнати самараси. «Сувсоз» давлат унитар корхонаси ана шундай ташкилотлардан бири. Мазкур корхонада меҳнат қилаётган юртдошларимиз биргина Тошкент шаҳар аҳолисини суткасига 2 миллион 326 минг метр куб ичимлик суви билан таъминлаётганини эътиборга олсак, улар амалга ошираётган ишларнинг миқёси жуда катта эканини тасаввур қилиш қийин эмас. Чунки ичимлик суви хонадонларимизга оқиб келгунча ўнлаб меҳнат босқичлари амалга оширилади. Аввало, очик манбалардан олинадиган сув механик унсурлардан тозаланади. Сув таркибидаги зарралар, лойқалар коагуляция йўли билан тиндирилгач, кварц қуми жойлаштирилган филтрловчи мосламаларда филтрланиб, таркиби маълум даражада микроблардан, коллайд моддалардан тозаланади. Тиник ҳолга келган сув хлорланади. Зарарсизлантирилган сув тармоқлар орқали аҳолига тарқатилади. Бундан ташқари, сув иншоотларини тозалигини назорат қилиш, қувурлар ва сув босимини ошириб берадиган насосларнинг техник ҳолатини кузатиб, зарур бўлганда кечиктирмай таъмирлаш ишларини амалга ошириш, янги қувурлар ўтказиш лозим.

Буни унитар корхонанинг Учтепа туман сув тармоқларидан фойдаланиш цехи жамоаси бажараётган ишлар мисолида ҳам кўриш мумкин. Туман аҳолисини ичимлик суви билан таъминлайдиган асосий манба Қодирия сув иншоотидир. Цех тасарруфи-

да 362,7 километр масофадаги ичимлик сув қувури мавжуд бўлиб, шундан 45,2 километрини катта ҳажмдаги сув тармоқлари ташкил этади. Шунингдек, ушбу қувурларда 3426та кудук, 3055та ёпқич, 17та сув босимини ошириб берадиган уч босқичли насос станциялари бор.

Айни пайтда 60 нафарга яқин ишчи ва 17 нафар малакали муҳандис меҳнат қилаётган цехда бажарилиши лозим бўлган ишлар пухта режа асосида ташкил этилмоқда. Жорий йил режасига кўра 70,7 километр масофадаги қувурларни таъмирлаш белгиланган. Бу иш ортиги билан бажарилди. Бундан ташқари, 422та кудук кўриқдан ўтказилиб, 122та ёпқич созланди.

Эътиборлиси, ҳар бир ишни сифатли қилиб бажаришга астойдил ҳаракат қилаётган жамоа аъзолари келгуси йил учун ҳам иш режаларини тузмоқда. Муддатини ўтаган сув қувурларини алмаштириш, уч босқичли насос станцияларига сув сарфи ўзгарганда ҳам бир хил босимни ушлаб турувчи, электр энергиясини иқтисод қилувчи ускуналарни ўрнатилиши ана шу режага киритилаётган муҳим ишлар жумласидандир.

Учтепа туман сув тармоқларидан фойдаланиш цехи жамоаси фаолиятига имкон қадар кенгроқ тўхталишимизнинг боиси улар амалга ошираётган ишларини таъкидлаш эмас, балки хонадонларимизга оқиб келаётган зилол сувлар катта меҳнат ва машаққатлар меваси эканига ишора қилиш ҳамдир. Чунки орамизда ана шу бебаҳо неъматни исроф қилмаслик лозимлигини унутиб қўяётганлар ҳам бор.

Агар холисона баҳо берадиган бўлсак ичимлик сувига бўлган муносабатимизни умуман қониқарли деб бўлмайди. Бу борада айрим мамлакатларда шакланган истеъмол маданиятидан ўргансак, андоза олсак арзийди. Шундай халқлар борки, ичимлик суви у ёқда турсин, ҳатто, оқар сувлардан ҳам тежаб-тергаб фойдаланади. Экинзорлар махсус технологиялар ёрдамида суғорилади.

Умумий сув миқдорининг 85 фоизи қишлоқ хўжалиги экинларини су-



ғориш учун ишлатилаётган бизнинг республикамизда эса манзара ўзгача. Далаларни айлансангиз айрим жойларнинг кўллаб, баъзи жойларнинг эса чўллаб ётганига гувоҳ бўласиз. Тўғри, хориж тажрибасини ўрганиб келиб ўз фаолиятларида қўллаётган юртдошларимиз ҳам бор. Улардан бири Янгийўл туманидаги «Хонзода Сайфиддинова» фермер хўжалиги раҳбари, тажрибали боғбон Заҳриддин Сайфиддинов билан суҳбатлашдик.

— Биз боғларимизда томчилатиб суғоришни йўлга қўйганмиз, — дейди у. — Бу усулнинг афзаллигини деҳқончасига тушунтириб қўя қолай. Масалан, 9 гектар боғни суғориш учун битта скважин қаздириб 50 диаметри қувур ўрнатганмиз. Ана шу қувурдан чиқаётган сув билан боғимиздаги мевали дарахтларни уч-тўрт соатда қондириб суғорамиз. Агар ўша қувурдан чиқаётган сувни жўякларга оқизиб суғорадиган бўлсак, тўрт соатда эмас, тўрт кунда ҳам бир гектар жойни суғора олмаймиз. Энди фойда-зарарини ўзингиз чамалаб қўяқолинг.

Албатта, сувни исроф қилмаслик, сув ҳавзаларини тоза сақлаш лозимлиги ҳақидаги гаплар халқимиз учун янгилик эмас. «Нил дарёси устида ўтирсанг ҳам сувни увол қилма» деган иборани ота-боболаримиздан кўп бор эшитганмиз. Лекин негадир, бу ҳикматларга амал қилиш урфдан чиқиб бораётганга ўхшайди. Бир мисол. Тошкент шаҳридан оқиб чиққан Бўз сув билан Жўн ариқнинг аҳолига бир қаранг. Сувга кўрсатилаётган бундай

ҳурматсизликни ифодалаш учун сўз йўқ. Ахир, мана шу ариқлардан оқаётган сувлар биз истеъмол қилаётган оби ҳаётнинг манбаи-ку.

— Айниқса, ёз фаслида куннинг иккинчи ярмида сув кўп исроф бўлади, — дейди Учтепа туман сув тармоқларидан фойдаланиш цехи бошлиғи Марат Муслимов. — Биз бунинг сабаби билан қизиқиб аниқладикки, кўплаб хонадон эгалари ичимлик суви қувурларига шланг улаб ҳовлиларга сув сепса, яна кимлардир тарвуз-қовунларни совутиш учун соатлаб совуқ сув оқизиб қўяр экан. Ҳатто ичимлик сувидан ўғринча фойдаланиб автомобилларни ювиш билан шуғулланаётганлар бор. Айримлар ўн-ўн беш дақиқа водопроводни шариллайтиб оқизиб қўйиб, соқолини қиртишлайди. Агар сув жўмрагидан дақиқасига икки литрга яқин сув оқишини ҳисобга олсак, соқолини олаётган битта одамнинг ўзи 20 литрдан ортиқ тоза ичимлик сувини исроф қилади. Бунга ўхшаш сабаблар кўп. Шунинг учун туманимиздаги 53та маҳаллага хат билан мурожаат қилиб ичимлик сувидан тежаб-тергаб фойдаланишни йўлга қўйишда амалий ёрдам беришларини сўрадик. Аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини олиб бораемиз.

Кўриниб турибдики, сувсозларнинг ўзига яраша қувонч ва ташвишлари бор. Ҳақиқатдан ҳам ҳаётимиз манбаи бўлган сувни ҳар қанча қадрласак арзийди. Сувсозларга ҳамкор бўлиб яшаш барчамизнинг бурчимиздир.

**Насиба АБДУЛЛАЕВА,**  
«Turkiston» мухбири

## Mutaxassis o'goh etadi

# ОСУДА ҲАЁТНИНГ ҚАДРИГА ЕТИНГ!

Жорий йилнинг 20 ноябрдан 20 декабрига қадар юртимиз бўйлаб ёнғин хавфсизлиги ойлиги ўтказилди. Ойлик давомида Тошкент шаҳар ИИББ Ёнғин хавфсизлиги бошқармаси юз бериши мумкин бўлган офатларнинг олдини олишга қаратилган тарғибот-ташвиқот тадбирларини ўтказди.

Юртдошларимиз билан юзма-юз учрашувлар, суҳбатлар бўлгани яхши. Масалан, таълим муассасаларида ўқиётган ёшларга ёнғин хавфсизлиги қоидаларини тушунтирсангиз, бу уларнинг хотирасида бир умр қолади. Эртага оила қурганда ўз яқинларига, ишлаётганда ҳамкасбларига, таълим берса, шогирдларига бу борада ўрнатилган бўлади. Айтмоқчимизки, тарғибот-ташвиқот ишлари, бу мутасаддиларнинг шунчаки ҳисобот учун ўтказадиган тадбири эмас. Унинг самараси мамлакатимизда ёнғин ҳодисаларининг камайгани, фуқаролар хавфсизлик қоидаларига нечоғли амал қилишларида кўринади.

Шу ўринда яна бир марта юртдошларимизга мурожаат қиламиз.

Азиз ватандошлар! Ёнғин хавфсизлиги ойлигида фаол иштирок этганингиз учун ташаккур. Ҳаётимиз осуда, турмушимиз фаровон, жонимиз саломат бўлмоғи нафақат масъулиятли органларнинг, балки сизнинг ҳам фаолиятингиз, ҳаракатларингизга боғлиқдир. Шундай экан, хамиша ёнғин хавфсизлиги қоидаларига амал қилайлик.

**Сарвар ОМОНТУРДИЕВ,**  
Тошкент шаҳар ИИББ ЁХБ 28-ХЁХҚ инспектори, сержант.  
**Д. ХУСАНОВ,**  
кичик инспектор, сафдор

Туман ИИБ Ёнғин хавфсизлиги бўлими махсус режа асосида ўн иккита маҳаллада 45, мактаб ва мактабгача таълим муассасаларида 62, академик лицей ва касбухона коллежларида 14 маротаба ёнғин хавфсизлигига доир учрашувлар ўтказди.

Соҳа мутахассислари тарғибот тадбирларида аҳолига ёнғиннинг олдини олиш, қўлбола электр жиҳозларидан фойдаланмаслик, ўзбошимчилик билан газ тармоқларига уланиш қандай аянчли оқибатларга олиб келишини мисоллар ёрдамида тушунтириб берди.

**Дониёр МАМБЕТОВ,**  
Бектемир туман ИИБ  
ЁХБ инспектори, кичик сержант

Қиш мавсуми халқимизнинг иссиқлик энергиясига бўлган талабини янада оширади. Бундай ҳолатда иситиш мосламаларига эҳтиёж ҳам ортади.

Афсуски, қайта-қайта тушунтиришларга қарамай, ўзларича қўлбола печ ва плиталар ясаб, улардан кундалик турмушда кенг фойдаланаётган кишилар бор. Кўза кунда эмас, кундагина дегазларидек, бу ускуналар ҳар куни панд бермаслиги мумкин. Бироқ улар ҳеч қандай хавфсизлик талабларига жавоб бермагани, давлат стандартларига тўғри келмагани туфайли, бир кунмас бир кун барибир хунук оқибатларни келтириб чиқариши шубҳасиздир.

Ёнғин хавфсизлиги ойлиги давомида ўтказилган учрашувларда бу ҳақда ҳам маълумот бердик. Тадбирларда айтилган тавсияларни, сиз муҳтарам ўқувчиларга ҳам маълум қилмоқчимиз. Ҳеч қачон қўлда ясалган, сифати кафолатланмаган иситиш қурилмаларидан фойдаланманг.

Газ плитаси ўрнатилган хонани тез-тез шамоллатиб туринг. Газ, қўмир ёқиладиган печлар мўрисида ҳам йилда икки-уч маротаба тозалаш зарур. Печ ва газ плиталар ёнида бензин, керосин каби тез ёнувчи моддаларни сақламанг.

Электр асбобларидан тўғри фойдаланинг, ёш болаларнинг гугурт ўйнашига бепарво бўлманг.

**М.КАРИМОВ,**  
Тошкент шаҳар ИИББ ЁХБ 24-ХЁХҚ катта инспектори

# Меҳридагари устоз

(Давоми, бошланиши  
1-саҳифада)

«Авваллари Пушкин ва Лермонтовнинг бир қатор шеърларини ўзбекчага ўйрган эдим. Кейин Некрасовнинг «Рус аёллари»ни ўқидим-у, шу дostonдан бир зум узилолмай қолдим. Ўша кунлар мен Волконская ва Трубецкаянинг синглицидай эдим. Таржимага қандай киришиб кетганимни билмайман. Мен ғамгин муҳаббат, тоғдай тоқат қиссасининг ўтларида ёниб юрган пайтларимда матбуотда Мақсуд Шайхзода, сўнграқ Насрулло Охундий томонидан қилинган таржималардан парчалар босила бошлади... Менда «Меҳнатим куяди, таржимам босилмай қолади», деган ўй ҳеч қачон бўлган эмас. Ҳар доим ўзим учун таржима қила бошлайман. Шу жараёнда катта ижод мактабини ўтайман».

Ҳақиқатан ҳам, Зулфияхонимнинг Пушкин, Лермонтов, Некрасов, Расул Ҳамзатов, Марина Цветаева, Анна Ахматова, Давид Куғултинов, Мустай Карим, Габриэла Мистраль, Сулаймон Рустам каби қаламқашлар ижодидан қилган таржималари ўзбек китобхонини уларнинг ижоди билан таништирибгина қолмай, таржима санъатининг гўзал намуналари сифатида

ҳам ноёбдир. Шоира бу шеър ва драматик асарларни рус тилидан ўзбекчага ўйрган.

«...Ўзбек шеърятдан чинакам ижодий тарзда қилинган таржималар исталганига нисбатан анча кам, бунга таржимонларгина эмас, шоирларнинг ўзлари ҳам айбимасмиканлар, деб ўйлайман. Шоиранинг бу фикрини таржимонларга нисбатан талабчанликнинг ўзигина эмас, таржима масъулиятини зиммасига олган ижодкорнинг, яъни Зулфияхонимнинг ўзига нисбатан ҳам қатъий талаби, деб тушунмоқ керак. Ижодкорнинг тўғри келган ёки машхур бўлган шоирларнинг асарларига эмас, балки ўз руҳи, кайфияти, эътиқоди, дунёқарашига ҳамоҳанг шеърлар таржимасига қўл уриши ва уни «ўз тилида бошқатдан яратиши»даги маҳорати шундай хулосага асос бўлади. Лекин офтоб нури тенг тушган заминда қутилган ва қутилмаган ажойиб гулу чечаклар бир-бирини инкор қилиб эмас, бир-бирини тўлдириб, гўзаллик оламига янги-янги мўъжизалар қўшилганидек, адабий таржима олами ҳам янги иқтидорлар билан бойиб бориши табиий ҳол. Зулфияхоним уларни қувонч билан қаршиларди, меҳр билан эътиборга оларди, маънан қўллаб-қувватлар-

ди, муваффақиятлари билан қутлашда сўзлару таърифларга жуда саҳий эди.

Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Эркин Воҳидов ҳикоя қилади:

— Талабалик йилларимда ёшлар газетасида рус шоири Сергей Есенин шеърларидан бир неча таржимам босилиб чиқди. Бу менинг айна соҳадаги илк қадамларим эди. Ўша кунлари Зулфия опа йўқлаб қолдилар. Нашриётда ишлардилар, олдиларига бордим. Ҳаяжон, меҳру қувонч билан кутиб олдилар. Газетада босилиб чиққан таржималарим у кишига жуда маъқул бўлибди, фикрларини айтиб, мени табриқладилар. Шундан кейин: «Эркинжон, Сергей Есенин шеърларининг таржимасини китоб ҳолида босиб чиқариш Фафур Фулом номидаги нашриётнинг иш режасига киритилган, уларни ўзбек тилига ўйриш менга топширилган эди. Лекин кўриб турибманки, сизнинг таржималарингиз услуби, руҳи, мазмун-моҳияти аслиятга жуда яқин, гўзал. Шунинг учун бу ишни сизга топширмакчиман. Бу китобнинг ўзбек тилидаги таржимасини сиз тайёрлайсиз», — дедилар. Адабиёт майдонидаги илк қадамларининг бундай қўллаб-қувватланиши

ўзинга қанчалар ишонч, қалбинга нечоғли илҳом беришини ўшанда ҳис этганман. Аслида, Зулфия опа олдиндан Есенин шеърларини тилимизга ўйрганлар, опанинг ҳар бир ишга жиддий ёндашишлари, назмни ўта нозик ҳис этишлари у таржималардан аён эди. Шундай бўлсада, менга таклифлари шунчаки мулозамат эмас, жиддий ва самимий топшириқ, ишонч экани гап-сўзларидан, юз-кўзларидан акс этиб турарди.

Зулфияхонимнинг ўқтамлиги, жўмардлигини қарангки, Сергей Есенин шеърлари таржималари Эркин Воҳидов қаламида худди шоирнинг шеър аслини ёзаётгандаги илҳоми, завқи, эҳтирослари тўлқинида қайта яралгандай баркамол жаранглашини ҳамиша эътироф этиб қувонарди, завқланарди, ҳайратланарди. Баъзан хорижий тилдаги айрим шеърларни бир неча шоир таржима қилади, нашр эттиради. Лекин Зулфияхоним тўпламларига Сергей Есениндан аввал қилган таржималарини ҳам киритмаган. Бу — ҳам Эркин Воҳидов иқтидорига, ҳам шеърхонга эҳтироми бўлса, ажабмас.

Эркин Воҳидовнинг шоира Зулфияга бағишланган «Теранлик» шеъри гўё биз ифо-

дасини тополмаётган туйғуларни ҳам ифодалаётгандек:

Теранликни қидирмадим  
уммонлардан,  
Инсонлардан топдим уни,  
инсонлардан.  
Теранлик бу — нур ёғилган  
юзлардадир,  
Теранлик бу — ўйчан  
боққан кўзлардадир.  
Майингина чимирилган  
қошлардаги,  
Нукра-нукра қиров қўнган  
сочлардаги,  
Бўронларда эгилмаган  
бошлардаги  
Теранликнинг таърифига  
сўз бормикин...  
Машъум йиллар  
дилга солган озоридан,  
Оналарнинг ҳасратидан,  
оҳ-зоридан  
Одамларнинг юрагида  
уммони бор,  
Уммонларнинг сокинлиги,  
тўфони бор.  
У йилларнинг  
зилзиласи кўкракларда,  
Машъум уруш доғи  
ҳали юракларда,  
Ҳассос қалбдан оққан  
энг пок тилакларда,  
Умидларда ҳаёт қадар  
теранлик бор,  
Кўнгилдаги сабот қадар  
теранлик бор.  
Теранликни қидирмадим  
уммонлардан,  
Инсонлардан топдим уни,  
инсонлардан.

**Муҳтарама УЛУФОВА,  
Ўзбекистон  
Республикасида хизмат  
кўрсатган маданият  
ходими**

Sarhisob

## Енги атлетикамизнинг енгилмас Вакиллари

Пойтахтимиздаги «Бунёдкор» стадионида Ўзбекистон енгил атлетика федерациясининг жорий йил якунларига бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Унда Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ўзбекистон миллий олимпия қўмитаси мутасаддилари, спортчи ва мураббийлар иштирок этди.

2014 йил мамлакатимиз енгил атлетикачилари учун муваффақиятли йил бўлди. Хитойнинг Ханчжоу шаҳрида ташкил этилган Осиё чемпионатида, Жанубий Кореянинг Инчон шаҳрида ўтказилган XVII ёзги Осиё ўйинлари ва бошқа нуфузли мусобақаларда спортчиларимиз шарафига байроғимиз бир неча бор баланд кўтарилди.

Йил аввалида Чин юртида бўлиб ўтган қитъа чемпионатида тажрибали спортчимиз Светлана Радзивил баландликка сакраш бўйича олтин медални қўлга киритиш билан бирга Осиё чемпионати рекордини ҳам янгилади. Ядро улоқтириш бўйича София Бурҳонова ва уч ҳатлаб сакраш бўйича Анастасия Журавлева юқори натижаларга эришиб, қитъа чемпиони бўлди. Ушбу мусобақада юртдошларимиз яна иккитадан кумуш ва бронза медал билан тақдирланди.

XVII Осиё ўйинларида Светлана Радзивил баландликка сакраш, Екатерина Воронина кўпкураш бўйича шоҳсупанинг энг юқори поғонасидан жой олди. Мусобақа давомида жароҳат олганига қарамай, ўз иродасини



намоён этган ва якунда кумуш медал совриндори бўлган Леонид Андреевнинг матонати эътирофга муносиб. Мазкур Осиё ўйинларида терма жамоамиз енгил атлетикачилари жами иккитадан олтин ва кумуш, учта бронза медални қўлга киритди.

Ўзбекистон енгил атлетика мактаби қитъа ва жаҳон миқёсида юқори мавқега эга. Нафақат спортчиларимизнинг халқаро аренадаги муваффақиятлари, балки унга асос бўлаётган шарт-шароитлардан келиб чиқиб ҳам шундай дейиш мумкин. Болалар ва



ўсмирлар ўртасида енгил атлетикани янада оммавийлаштириш борасида ишлар Ўзбекистон ва халқаро енгил атлетика федерациялари ўртасидаги ҳамкорлик дастури асосида амалга ошириб келинмоқда. Ушбу дастурга асосан қишки таътил даврида вилоятларимизда «Болалар енгил атлетикаси» мусобақаларини ташкил этиш режалаштирилган. Қўйилган мустақам пойдевор эса ўз-ўзидан улкан ғалабаларга асос бўлмоқда.

Ҳамюртларимиз Светлана Радзивил ва Иван Зайцев қитъалараро кубок мусобақасида Осиё терма жамоасига таклиф этилгани ҳам спортчиларимиз имкониятлари юксак баҳоланганидан дарак беради.

Тадбирда сўзга чиққан Маданият ва спорт ишлари вазири вазифасини

бажарувчи Б.Аҳмедов ва бошқалар мамлакатимизда спортни, хусусан, енгил атлетикани янада ривожлантиришга давлатимиз томонидан алоҳида эътибор қаратилаётгани, бу эса халқаро миқёсдаги зафарлар омили бўлаётганини таъкидлади.

Тадбирда спортимиз ривожига катта ҳисса қўшаётган, йил давомида юксак натижаларга эришган Светлана Радзивил, Екатерина Воронина ва Леонид Андреевга «Спарк» автомобиллари, шунингдек, бир қатор етакчи спортчи ва мураббийларга пул мукофотлари топширилди.

2015 йилда мамлакатимиз ва хорижда кўплаб мусобақалар ўтказилди. Спортчиларимиз жаҳон ва қитъа чемпионатлари, «Бриллиант лига» ҳамда Гран-при туркумига кирувчи турнирлар, қатор нуфузли мусобақаларда Ватанимиз шарафини ҳимоя қилади.

**Санжар ИСМАТОВ,  
«Turkiston» муҳбири**



## СИФАТЛИ ТАЪЛИМ САРИ

Қорақалпоқ давлат университети қошидаги 2-Нукус академик лицейида таълим сифати ва самарадорлигини оширишга эътибор қаратилмоқда.


Айни пайтда ушбу таълим масканида 629 нафар ўғил-қиз аниқ, табиий, ижтимоий-гуманитар, хорижий тиллар йўналиши бўйича сабоқ олаётир. Замоनावий тарзда жиҳозланган ўқув, лаборатория, лингафон хоналари, ахборот-ресурс маркази, спорт зали, 200 ўринли ётоқхона ўқувчилар ихтиёрида. Дарслар илғор педагогик

андозалар асосида, кўргазмалар курул ва инновацион технологиялардан кенг фойдаланилган ҳолда ўтилмоқда. Ўқувчиларнинг бўш вақтини самарали ўтказиш мақсадида фан ва спорт тўғрисидаги фаолияти йўлга қўйилган.

**Мақсад ХАБИБУЛЛАЕВ**  
(ЎЗА) олган сурат.

## «O'zbekiston belgisi» ko'krak nishoni sohiblari

**Руслан Зиядинов,**  
**«Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси А-320 ҳаво кемаси командири:**



— Болалигида осмонга парвоз қилишни орзу қилган барча одамлар каби мен ҳам учувчи бўлишни истаганман. Бир томондан парвозга бўлган ҳавас, иккинчи томондан ота-онамнинг авиация соҳасида меҳнат қилгани орзуларимга қанот берган. Отам мени тез-тез ўзи билан бирга ҳаво кемаси бортига олиб чиқарди. Илк мустақил парвозимни эса Ўзбекистонимизнинг мусаффо осмони узра амалга оширдим. Ўша дамдаги ҳаяжон ва бахтни сўз билан ифода-лаш мушкул.

Истиқлол йилларида юртимизда фуқаро авиацияси жадал ривожланди. Миллий авиапаркимиз сўнгги русумдаги самолётлар билан таъминланмоқда. Йўловчиларга хизмат кўрсатиш сифати ҳам ошган. Соҳага ёш кадрларнинг жалб этилаётгани, айниқса, қувонарли. Асосийси, бизга билдирилган ишонч, эътибор ва рағбат ниҳоятда юқори. 29 ёшдаман, дунёдаги энг замонавий ҳаво кемаларидан бири — А-320 авиалайнерини бошқаряпман. Бу мен учун катта ютуқ ва фахрдир. Шу даражага етишимга авиакомпаниядаги соғлом рақобат ва ишчанлик муҳити ёрдам берди.

2010 йили Франциядаги «Airbus

Training Centre»да учувчилар таркибини қайта тайёрлаш курсини муваффақиятли тамомлаб, А-320ни бошқариш ҳуқуқини берувчи махсус сертификатга эга бўлдим. Кема командири сифатида парвоз жараёнида зиммамга улкан масъулият тушади. Йўловчилар ва экипаж хавфсизлигини таъминлаш — бурчим.

Конституциямизнинг 22 йиллиги арафасида «Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишони билан тақдирландим. Гарчи кўп мартаба парвоз қилган, энг баланд тоғлар устидан учиб ўтган бўлсам-да, мукофот тақдим этилган лаҳзаларда мен энг юксак парвозимни амалга оширгандек ҳис этдим. Халқимиз, Юртбошимиз, давлатимиз ишончини авиациядаги юксак натижалар билан оқлашга ҳаракат қиламан.



**Зукко мухлисга савол:**

*Мутахассисларнинг фикрича, шундай бир модда борки, унда табиатдаги барча нарса эрийди. У ҳеч қандай ёрдамчисиз ўз ҳаракати билан 50 метр баландликка ҳам кўтариларди. Бу сеҳрли модда нима-лигини айтинг.*

**Жавобингизни 23 декабрь соат 16:00га қадар 233-79-69, 233-95-97 рақамлари орқали билдиришингиз мумкин. Тўғри жавоб йўллаган мухлислар номи газетамизда эълон қилинади.**

**Ўтган сондаги саволнинг жавоби:**

**Абдулла Авлонийнинг «Туркий гулистон ёхуд ахлоқ» асаридан.**

*Бухоро шаҳридан Муҳаммад Наимов тўғри жавоб йўллади.*

*Тафаккур ҷммонидан бир қатра*

Одамнинг умри аввалида қилган ишлари умрининг охиридаги ишларига ҳам далолатдир.

**Абулқосим Замахшарий**

## Кўза кўтарган шоир

Бир ҳукмдор шоирларни ҳузурига чақирди. Тасодифан йўлда уларга кўза кўтариб, дарёга сувга бораётган бир камбағал шоир дуч келди. У ҳам шоирларга қўшилиб, саройга йўл олди. Подшоҳ шоирларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиб, ҳадялар берди. Шунда у елкасига кўза кўтариб олган, юпунгина кийинган одамни кўриб, хайрон бўлди ва ундан кимлигини сўради. У таъсирли қилиб бир байт ўқиди: «Сенинг тўлиб-тошган денгизинга одамлар йўл олганини кўргач, мен ҳам кўзам билан келдим».

Буни эшитган подшоҳ мамнун бўлди-да, кўтариб келган кўзасини олтин-кумуш билан тўлдирдиш-ни буюрди. Ҳозир бўлганлардан бири ҳасади келиб деди: «Бу мажнун ва камбағал бўлса, бойликнинг қадрига етармиди, уни беҳуда сарфлаб йўқ қилади».

Ҳукмдор унинг гапига эътибор бермади. Шоир эшикдан чиққач, ўзига инъом этилган олтин кумушни тарқатиб юборди. Подшоҳ шоирни ҳузурига чақиртириб, қилмиши учун унга таъна қилди. Шоир шундай байт билан жавоб берди: «Яхшилар биз-



ларга молларидан инъом қиладилар. Биз ҳам яхшиларнинг молини инъом қиламиз». Маърифатпарвар шоҳга бу байт ёқиб тушиб, камбағал шоирга аввалгидан ўн баробар кўпроқ олтин-кумуш беришга амр қилди. Бир яхшилиққа ўн баробар яхшилик қайтади, деганлари шу бўлса керак.

**(«Қадимдан ҳозиргача...» китобидан)**



*Ўзбекистон табиати*